

**Исломий Стратегик Тадқиқотлар ва  
Сиёсий Технологиялар Маркази**

# **Исломда жамоат**

“КавказЦентр” сайтидан Faris таржимаси

### Бисмиллахир роҳманир роҳим

Бизни мусулмон этиб яратган, ва жаннатига кирмоғимиз учун Жиҳод неъматига мұяссар этган Аллоҳға ҳамду-санолар бўлсин. Барча муҳоҳидлар имоми Муҳаммад ибн Абдуллоҳга, унинг оиласи, асҳоблари ва уларга эргашган мўминларга то Қиёмат саловоту-саломлар бўлсин.

Аммо баъд.

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳ!

Ушбу мақола муҳоҳидларнинг сиёсий стратегияси масалаларига бағишлиланган ("Муҳоҳид мұлоҳазалари", ва "Муҳоҳидлар учун сиёсат сабоқлари") мақолалар мажмуасининг давомидир. Бугунги мақоламизда Исломий Жамоатнинг шаклланиши ва фаолиятига доир энг мұхим санаганимиз нұкталар ҳақида баҳс юритамиз.

## Мундарижа

1. Исломда жамоат зарурми?
2. "Ихвонул-Муслимин" тарихи.
3. Типик ҳаракат, типик ақида, типик залолат.
4. Сиёсат.
5. Ҳокимият (Үйланиш қасдинг йўқ экан, нега қуда юбординг?)
6. Ҳуррият.
7. Мусулмонларнинг 1917 йил инқилобидаги ва ундан олдинги сиёсий саргузаштлари.
8. Сўнгги эра.
9. Коғирлар шариат стратегиясидан фойдаланишади, мусулмонлар эса демократик чўпчакдан.
10. Митингда туғилган партия.
11. Танланган гурӯҳ.

### 1. Исломда жамоат зарурми?

Бундай савол, бир қарашда, ноўрин туюлиши мумкин, ҳамда кўпчилик, албатта, жамоатнинг зарурлигини тасдиқлаши мумкин. Аммо бундай саволнинг ўртага чиқишига сабаб, мана бир неча ўн йиллардан бери, авлоддан-авлодга, барча таниқли исломий жамоат ва ҳаракатлар (Толибон мустасно) чексиз баҳс-мунозараларга вақт сарфлади ва сарфламоқда, ва ҳаракатнинг фақат кўринишини пайдо қилганича, турли хил дастур, режа ва тузуклар тузгани билан, жойидан кўзғала олмаяпти. Бу режаларнинг ҳаммаси, аввал таъкидлаганимиздек, битта умумий хусусиятга эга: улар ҳаётдан тамоман узилгандир ва Исломий ҳукмни тиклаш йўлида улардан заррача фойда бўлмади.

Жамоатларнинг фаолияти тўлалигича ёш авлодга таълим ва тарбия беришга қаратилади. Таълим ва тарбия иши, умуман олганда, дуруст ва керак нарса, аммо бу таълим ва тарбия жараёни ўн йиллаб давом этаркан, оқибатда тайёргарлик босқичидан, қандайдир ҳадафга, сўнгги мақсадга айланиб қолади.

Таълим ва тарбия кўраверган жамоат вакиллари кексайиб, бир кун ҳам Жиҳодга чиқмасдан ўтиб кетади. Коғирлар эса Ислом тупроқларини топтайди, мусулмоннинг қонини тўқади, ваҳшийликлар қилади, мингларча болалар ва аёллар ҳалок бўлади, мингларча "таълим ва тарбиясиз" мусулмонлар коғирга қарши жангларда шаҳид бўлади... аммо исломий ташкилот вакиллари ҳануз жиҳодга чиқмайди. Тўғри, ўз диндошларига ҳамдардлиги бор, ёрдам бериш (қўлидан келганча) нияти ҳам йўқ эмас.

Аммо "режадан ташқари" бунақа жиҳодда қатнашмайди. Жиҳод пайти ҳали келмади, дейишади. Жиҳод пайти қачон келади, буни ҳам айтолмайди, балки ҳамон ўзининг таълим-тарбиясида, Исломга тўла қамровли ёндошувлар ҳақидаги чексиз мунозараларида давом этаверади.

Буни кўргач, кўпчилик мусулмонлар, жумладан муҳоҳидлар ҳам, ташкилотлардан ҳафсаласи пир бўлади, ҳатто рад ҳам этади.

Лекин, шуларга қарамай, Исломда ташкилотга уюшмоқ, жамоатга бирлашмоқ вожибdir. Мусулмонларнинг уюшган, ўз иймонида мустаҳкам, аниқ ҳадафга йўналган, ўз фаолиятида изчил гуруҳи бўлмас экан, бас, Ислом ҳукмининг тикланишини тасаввур ҳам қилиб бўлмайди. Бу гуруҳ Пайғамбар с.а.в. ҳамда Хулафои Рошидийн р.а. туттган йўлни тутмоғи шартлигини ҳаммамизга маълум. Аммо ихтилофлар, айнан бугунги воқеликни шаръий талқин этиш бошланган пайтда пайдо бўлади. Турли исломий ҳаракатларнинг стратегияси, концептуал позицияси орасидаги фарқларни баён этиб ўтириш бизнинг вазифамизга кирмайди. Кўпинча, аниқ бир стратегик тасаввурнинг ўзи йўқ. Қуръон ва Суннатни тутишга чақириқлар бор холос, зотан ҳеч ким бунга эътиroz қилмайди ҳам.

Лекин, воқелиқда, бу партиялар аста-секин йўлдан оғиб кетди ва уларнинг ўз-ўзларини қамалиб қолгани шароитларни, қўйғанлари сиёсий қадаларни, Қуръон ва Суннат назидан англай олиш жуда маҳол.

Бунга мисол, ХАМАСнинг сўнгги сиёсий ишлари. Шариатнинг қайси ҳукмида бор экан, кофирлар назорати ва ҳакамлиги остидаги "умумий демократик сайловларда" қатнишишга рухсат? Ва қаерда, мусулмонлар Фаластиин мухториятини сионист давлати таркибида қурсин, дейилган экан?

"Танланган гуруҳ"нинг катталиги ва эришган натижалари ҳақида мисоллар кўп. Пайғамбар с.а.в.нинг дақиқ тарбиясидан ўтган ва Мадинада илк Исломий тузумга асос солган саҳобалар гуруҳи бор-йўғи бир неча юз кишини ташкил этарди. Макка фатҳида Расулуллоҳнинг с.а.в. ёнида юз минг мусулмон ҳамроҳ эди. Ҳажжатул-Вадоъда, Арафот тоғида ҳозир бўлган мусулмонлар сони эса 124 минг эди. Бу саҳобалар кейинроқ Пайғамбар (с.а.в.)нинг ишини давом эттирилар. Уларнинг сайъ-ҳаракати самараасига келсак, улар ҳам маълум. Бир авлод умри (асҳоблар умри) мобайнида ўша даврнинг икки буюк империяси - Византия ва Форс қулатилди. Мусулмонлар армияси Амударё ва Ҳиндистонга, Кавказ ва Константинополга қадар келдилар, уни қамал этдилар. Шимолий Африкани олдилар, ва кучли исломий флот тузиб, Ўрта Ер денгизини ўз назорати остига киритдилар.

Энди эса бошқа бир мисол. "Ихвонул-Муслимин" жамоати. Мисрда, 50-йиллар бошида унинг миллионга яқин аъзоси бор эди. Деярли 80 йиллик тарихи мобайнида "Ихвонул-Муслимин" биттагина жиҳодга чиққани маълум: 1948 йил Фаластииннинг сионист истилосига қарши (бошқа партиялар билан иттифоқда). Ҳамда 50-йиллар боши инглиз мустамлакачиларини қувиб чиқаришда фаол иштирок этганлар.

Ва биргина марта, 1952 йилда Мисрда, Ихвонлар иқтидорга келиш имконига эга бўлдилар. Аммо жамоат раҳбарлари бу фурсатга бой бердилар. Жамоат, асосан, мусулмон ёшлар таълим-тарбияси билан банд бўлди. Таълим ва тарбия уларнинг фаолиятида асосий фаолият бўлиб қолди.

"Ихвонул-Муслимин" 82 мамлакатда ўз оғис ва шуъбаларини очди, аммо Шариат ҳукмларини ҳатто кичик бир қишлоқ миқёсида ҳам ўrnата олмади. "Шариат давлати тузишида НЕГА ҳануз натижа йўқ?" деган саволга ихвонларнинг жавоби шундай: "балки Аллоҳ истамаётir".

Бунақа жавобга, албатта, бирор эътиroz билдириш қийин. Лекин, шунга қарамай, биз ўз ҳаракатимизни Аллоҳнинг китобига, Пайғамбар с.а.в. сийратига, Хулафои-Рошидин йўлига нақадар мувофиқ эканини қайта-қайта кўриб чиқишимиз лозим. Балки, ўшанда, нега "Аллоҳ истамаётir", англаб қолармиз, иншоаллоҳ.

## 2. "Ихвонул-Муслимин" тарихи

Типик исломий партия фаолиятидан келиб чиқадиган сабоқларни ўрганиб чиқмоғимиз зарур. Ислом ва Шариатни қайта тиклаш масалаларида саҳиҳ ақидани даъво қиладиган типик ҳаракат, зикр этганимиз "Ихвонул-муслимин" ("Мусулмон Биродарлар" - тарж.) ҳаракатидир.

Айнан ушбу ҳаракатни кўриб чиқиш зарурати икки сабабга кўрадир. Биринчидан, бугун танилган исломий партия ва ҳаракатларнинг аксарияти бир пайтлар айнан мана шу Жамоатдан ажралиб чиқсан. Иккинчидан, масалага ўзгача назар ва янги режаларни илгари сураркан, бу партиялар ўзида "Ихвонул-муслимин"нинг асосий чизгилари билан бирга, асосий нуқсонларини ҳам сақлаб қолғанлар. Бундай ҳаракатларга мисол, суданлик мусулмонларнинг ҳаракати (бу ҳаракатга Ҳасан Туробий раҳбарлик қилган ва ўтган асрнинг 60-йиллари ўрталарига келиб, мустақил ҳаракат бўла олган) ва ўтган асрнинг 80-йилларида Аҳмад Ёсин (раҳимаҳуллоҳ) тарафидан ташкил этилган ХАМАС.

"Ихвонул-муслимин"нинг асосчиси Ҳасан ал-Банна эди. Шубҳасиз, бу киши теран илм ва кучли иймон соҳиби, мусулмонлар тақдирига фидокор бир зот бўлган.

У 1905 йилда исломий анъана ва ахлоқларга содик, диндор оиласида туғилди. 1923 йил Қоҳирадаги педагогик колледжни (Дорул-Ҷулум) тамомлаб, сўнгра машҳур Ал-Азҳар университетида таҳсил олди. 1927 йил Исломия шаҳрида давлат мактабида мударрислик қила бошлади.

Ал-Банна, аввало, мусулмонлар ўз динидан узоқлашиб, жаҳолатга ботганига, ва буни инглиз мустамлакачи сиёсати ҳар томонлама қўллаётганига эътиборни қаратди. Дин, аввало - амалдир, ва Ҳасан ал-Банна ўз қудрат ва имкониятидан келиб чиқиб, мавжуд вазиятни ўзгартиришга қарор қилди.

Исломий ҳаёт тарзини тиклаш учун, аввало, танланган гурӯҳни тайёрлаб, унга таълим ва тарбия бериш, яъни Жамоат барпо этиш лозим эди. Жамоат вакиллари, биринчи галда, ўз динларини чуқур билиши, исломий одоблар билан одобланиши, инсонларга таблиғ ва даъват эта олиши ҳамда ўzlари Жиҳодга шай туришлари лозим эди. Ва у сафдошлар ахтара бошлади.

Масжид ва одатий мусулмон жамоат ва маконларида у керакли жавоб ва қабулият топмади. Шунда ал-Банна ўз тарғиботини, бир қарашда, мақсадга номувоғиқ ўринларга, кафе, чойхона ва бозорларга кўчирди. Ва, ажабланарлиси шундаки, ихлосманд тингловчи ва содик сафдошлар, айнан оддий кишилар орасидан топилди.

Илк кунларда ташкилот ҳамфирк 6 кишидан иборат эди. 1928 йил тузилган ҳаракат, аста-секин кучайиб, оммавийлашиб борди. Ташкилотнинг суюнган кучи асосан қашшоқ ва ўртаҳол, аммо етарлича ўқимишли шаҳарлик қатламлар: зиёлилар, майдагарлар, хунармандлар, мактаб ўқувчилари ва талабалар, зобитлар ва исломий олимларнинг баъзи вакиллари эди. 18-20 йил ўтиб, ташкилот сафида ярим миллиондан зиёд, 1950-йиллар бошига, инглиз мустамлакачиларини қувиб чиқариш даврига келиб эса, бу ҳаракат барча хайриҳоҳлари билан биргалиқда миллионга яқин тарафдорларга эга эди.

1948 йил Ҳасан ал-Банна Миср махсус хизмати тарафидан ўлдирилди. Лидернинг ўлимига қарамай, Жамоатнинг фаолияти орқага кетмади, зоро Ҳасан ал-Банна атрофида, бошланган ишни давом эттира оладиган, яхшигина шогирд ва сафдошлар шаклланган эди.

Инглиз мустамлакачиларига қарши курашда энг фаол ва уюшган куч, шубҳасиз, "Ихвонул-муслимин" бўлди, аммо воқеъликни тўғри кўра оладиган энг реалистлар, аксинча, Жамол Абдун-Носир ва Муҳаммад Нажиб бошчилигидаги "Хур зобитлар" ("Аз-Заботул-Аҳрор" ҳаракати - тарж.) бўлиб чиқди.

1953 йил революцион раҳбарият ва "Ихвон"лар ўртасидаги низо, "Ихвонлар"га қарши кенг қамровли репрессияларга олиб келади. Бундан олдин "Ихвонул-муслимин" юз минглаб инсонни кўча ва майдонларга олиб чиқсан, ва Абдун-Носирдан Шариат эълон қилишни талаб этгандилар.

Жамол Абдун-Носир эътироҳ қилиб ўтирмади. Дарҳол рози бўлиб, "Ихвон"ларга Шариат эълон қилишни ваъда қилди, фақат халқни тарқалишга кўндиришни сўради.

Бундай "келишув"дан хурсанд, "халқ биз тарафда ва вазият бизнинг назорат остида" дея, "Ихвон"лар митингни тарқатдилар.

Жамол Абдун-Носир, албатта, мунофиқ эди, аммо сиёсатда хаёлпараст ҳам эмасди. Ва конкрет вазиятдан келиб чиқиб, конкрет тушунчалар билан фикр юритарди.

"Ихвон"лар унинг кабинетидан чиқиб, ҳали халқни тарқатиб бўлмасиданоқ, у дарҳол маҳфий полицияга буйруқ берди, ва бир кечада бутун мамлакат бўйлаб "Ихвонул-муслимин" раҳбариятиning минглаб аъзоси ҳибс этилди.

Ҳаракат "бошининг узилиши" тез ва узил-кесил юз берди. Баъзи маълумотларга кўра, бир неча кун ичида Жамоатдан 17 000 аъзо зиндонларга ташланган, унинг кўп вакиллари, қатағонлардан қочиб, Сурияга, Саудия Арабистони, Иордания ва Ливанга қочган, энг аҳамиятли шахслар қатл этилган эди.

Такрорий қатллар 10 йил ўтиб, 60-йилларнинг ўрталарида содир этилди. Мақтуллар орасида Саид Қутб (раҳимаҳуллоҳ) ҳам бор эди.

Шундан бошлаб, то бугунга қадар Миср ҳукумати "Ихвонул-муслимин" ташкилотини сиёсий вазиятга кўра, истаганича манипуляция қилиб келади. Лидерларини gox қамоқча ташлайди, gox чиқаради. Партияни gox таъқиқлади, gox рухсат бериб, ўрнатилган жоҳилият системасидаги парламент ўйинларида ўйнатади.

Бир неча ой муқаддам, Мисрнинг ўлмас президенти Муборак, навбатдаги сиёсий "тозалаш" ташкил этиб, юзлаб ихвонларни турмага улоқтирди. Уларнинг жонидан хавотир олмаса ҳам бўлади, бу гал қатллар бўлмайди. Чунки, улар орасида бугун ҳам Саид Қутб каби "Ла илаҳа иллаллоҳ" дегач, жоҳилият системаси билан муроса қилмай, ўлимга рози бўладиган инсонлар йўқ.

Бошқа замонлар келди, исломий ҳаракат раҳбарияти "муросаи-мадора" кўрсатишни ўрганиб олди, ва бугун ҳам Қуръон, Суннат ва Миср конституциясига амал қилиб келмоқда.

### 3. Типик ҳаракат, типик фикрлаш, типик залолат

Таажжуники, қўлларида энг мукаммал Идеология ва Ҳидоят бўла туриб, энг масъулиятли, ҳал қилувчи онда, исломий ҳаракат лидерлари энг қўпол хатоларга, ҳатто содда, рўзғор мантиғи савиясида фикрловчи кишилар ҳам қилмайдиган стратегик хатоларга йўл қўядилар. Бу мавзуга бундай кейин ҳам кўз юммаслик керак, Исломий ҳаракатни ҳар гал боши берк кўчага олиб келаверадиган тасаввур ва қоидаларни аниқ таҳлилсиз қолдирмаслик керак. Зоро, бу мусулмонларнинг ҳаёти ва ҳурриятига тааллуқидир.

"Ихвонул-муслимин" ҳаракатининг тўлиқ мағлубияти тасодиф эмасди. Бу ерда гап "Азботул-Аҳрор"нинг кучи ё уюшқоқлигида ҳам эмас. Бу жоҳилият тўдаси ҳалқ орасида жудаям оз таъсирга эга бўлган. Аслида, мағлубият аввалбошданоқ - Жамоатнинг сиёсий концепцияси негизида яширинган эди.

Ихвонлар ҳаракатининг вакиллари тўхтовсиз "Ҳокимият бизнинг мақсадимиз эмас, ва биз унга интилмаймиз. Аммо қулай фурсат келса, ҳокимиятдан воз кечиб ҳам бўлмайди!" деб такрорлаб турган бўлса, яна қандай қилиб енгиш мумкин?

Бундай тушунарсиз ва шубҳали сиёсий позиция, гўё энг олий дунёқараш принципи каби тақдим этилади. Хайратланарли жиҳати шундаки, Жамоатнинг Жамол Абдун-Носирдан кўрган мағлубиятини ихвонлар, ҳақиқатан мағлубият ва фожеали хато деб санамайди, балки тамоман аксинча, Жамоат тобланган қаҳрамонлик даври деб тасвирлайди, ва яна шундай тақдим этади. Бунинг нимаси "қаҳрамонлик", нимаси "тобланиш", ва бунинг нимаси билан фаҳрланиш мумкин, соғлом ақл буни англаши мушкул.

Ўзини исломий деган ташкилот, ўз залолатига бу қадар қайсарлик билан ёпишиб олмаслиги керак, ва ўзининг яққол хатоларини қаҳрамонлик даражасига кўтармаслиги керак. Ўша даврда ҳам, ярим аср ўтиб бугун ҳам, сиёсатни англашда бундай янглиш қоида, исломий ҳаракатларни кўп марта мағлубиятга олиб келса-да, ҳануз қайта кўриб

чиқилмайди. Турли мамлакатларда мусулмонлар орасида тарғиб этилаётган айнан ушбу ихвоний сиёсат концепцияси жойлардаги жамоатларни йўлдан чалғитиб келади.

50-йиллар ўрталаридағи сиёсий силкинишлардан сўнг, Жамоатнинг кўп вакиллари Мисрдан қочиб, бошқа араб диёрлари ҳамда Европага келишди. Улар ўзлари билан бирга ўша бўшанг сиёсий қоидасини ҳам келтиришганди. Бу қоида жойлардаги исломий ҳаракатни ҳокимият масаласида мўрт қилиб кўяверди. Натижада бу, ҳокимиятга энг қабиҳ диктаторларнинг келиш сабабларидан бирига айланди. Бу диктаторларнинг орасида Жамол Абдун-Носирни энг ёмони демаса ҳам бўлади.

30 йил Сурияга ҳукмронлик қилган ифлос алавий Ҳофиз Асад, 1982 йили режимга қарши чиқсан Ҳама шаҳри ҳалқини қатлиом қилди. Шаҳар аҳолисини артиллери я ва танклардан ўққа тутди. Қурбонлар сони ҳануз эълон қилинмаган, ва 20 мингдан 60 минггача рақам айтилади. Миллионга яқин инсон ватанидан қочишга мажбур бўлди.

80-йиллар охирида, Тунисда тўнтариш қилиб, ҳокимиятга Зайнул-Обидин келди. У ишини дарҳол репрессиядан бошлади. Исломий ҳаракатнинг кўплаб вакиллари зинданларга ташланди, бошқалар хижрат қилди. Мусулмонларга тазийқ алоҳида дид билан ташкил этилди. Шу даражага етди, муслималарга жамоат жойларида бошини ўраш таъқиқланди, ва ҳар қандай миршаб унинг рўмолини юлиб олиши мубоҳ бўлди.

Ливияда узок муддат руҳан хаста одам, "Яшил китоб" муаллифи ҳукм сурмоқда. Ирок диктатори Саддам Ҳусайннинг ҳам қўли мусулмон қонига ботган. Америкаликлар ўз маккор проектларига ўралалиб қолиб, уни йўқ этди, ҳозир боши балога қолиб, афсусдалар.

\* \* \*

Мустамлакачиларга қарши постсовет минтақа мусулмонларининг ҳаракати манзараси ҳам, бошқа мусулмон диёрларидагидан деярли фарқ қилмади. Бу ҳаракатлар бир неча гурӯҳ ва партияларнинг умумий фаолияти шаклида ўртага чиқди. Улар орасида, асосан уч идеологик оқим ажralиб туради: миллий-ватанпарварлар, миллий-демократлар (50-60-йилларда мода бўлган социалист ва коммунистлар ўрнини олганди), ва Исломий Жамоат.

Жамоат, одатда, мустамлакачиларга қарши курашда энг фаол қатнашиб, иш сўнгидаги ўз сиёсий позициясини аниқлай олмасдан, ҳокимиятни (халқ назарида ҳокимиятга интилмаётган кўриниб) бирор жоҳилий партияга бой берарди. Бундан сўнг жараён мантиқий якунини топарди - ҳокимиятга бирор диктатор, (кўпинча демократ тўнини кийган номенклатура функционери ёки КГБ агенти) келарди.

Барча мухолиф партиялар аёвсиз бостирилар, айниқса, Жамоат вакиллари энг шафқатсиз тазийкларга дучор қилинарди. Ва шуни айтиш керакки, бунда Аллоҳ субҳонаҳу ва таолонинг буюк адолати намоён бўлгандир!

Исломий ҳаракат вакилларининг феъл-атвори яна одатий бўлди. 1992 йили Тоҷикистонда, ҳокимиятнинг шаклланишига реал таъсир эта олувчи асосий сиёсий куч - Исломий Уйғониш Партияси ("Хизби Наҳзати Исломии Тоҷикистон") эди. Аммо бу партия республика раҳбари лавозимига ўз сафидан эмас, қандайдир кинорежиссер номзодини қўйди. Кимдир "ҳокимиятга ҳали эрта", деганмиш.

Ўзбекистонда соддадил тасаввурлар гўдакликкача бориб етди. Тўсатдан келган хурриятдан қувонган мусулмонлар, масжид-мадраса қуриш билан банд бўлишиди. Сиёсатни умуман оз ўйлашди. Айб ўзларида - энг разил ва қабиҳ коғир Каримовга овоз берган айни мусулмонларнинг ўзидир.

Шу ўринда мушоҳада этилиши лозим бўлган бир қатор масалалар юзага келади.

#### 4. Сиёсат ҳақида

Бу жуда кенг мавзудир, зоро бу тушунча инсон борлигининг энг муҳим ва аҳамиятли соҳаларини қамрайди. Бизни баъзи умумий нукталар қизиқтиради.

Моҳиятан, сиёсат бу - АҚИДА, МАФКУРА (ДИН)нинг ҳаётда реал, тизимли тарзда татбиқ этилишидир. Биз аввал ҳам таъкидлаганмиз, ва яна бир бор эслатмоқчимизки, мусулмон йил ҳисоби айнан Пайғамбар с.а.в. ва сахобаларнинг ҳижрати ҳамда илк Исломий давлат қуриш орқали сиёсатан ташкиллашган кундан бошланади. Яъни, (Исломий) МАФКУРА жамиятдаги муносабатларни бошқарувчи ТИЗИМ ўлароқ ўрнатилгани кундан.

Сиёсий фаолиятнинг ташқи хилма-хиллигига қарамай, уни икки турга ажратиш мумкин. Фаолиятнинг биринчи тури, жорий қонунлар доирасида ёки уларни бузиб юритилади, лекин, мавжуд тизимни ва ҳукмрон мафкуруни тан олишдан келиб чиқади.

Гарчи, бир қарашда хайратли туюлса-да, лекин тариҳдан маълум қуролли қўзғолонларнинг жуда кўпини бу тур фаолиятга киритиш мумкин. Радикал ташқи кўринишига қарамай, улар мафкура ва тизимга тил теккизмасдилар. Бу ҳаракатларнинг негизида, мафкура эълон этган ва тизим тарафидан қўриқланган адолат тамоилларини поймол қилган ҳукмрон элитадан норозилик бўлган, холос.

Сиёсий фаолиятнинг бу турига, "мустақиллик учун" деган курашларни ҳам киритиш мумкин, чунки бу ерда ҳам мафкурага, ва унга асосланиб қабулланган ижтимоий-сиёсий тизимга тил теккизилмайди.

Модомики, ҳар қандай жоҳиллий тизим инсон тарафидан ўйлаб чиқилган экан, ўз таърифиданоқ, АДОЛАТни таъминлай олмаслиги маълум. Шунинг учун, ҳалқнинг ҳокимиятдан норозилиги муқаррар. Шуни ҳисобга олиб, Ғарб давлатлари "демократик" дейилган тизим қурдилар. Бу тизимга турли "буғ чиқариш" воситалари киритилган бўлиб, улар орасидаги энг хийлакор ихтиро - бу ҳукмрон элитанинг даврий алмашувидир. Тизим жамиятдаги сиёсий иқлимини назорат этади. Омма орасида норозилик туғилиши билан, уни "ишдан чиқиб бўлган" ҳукуматга йўллаш билан ўчирадилар, инсоний умид бўшлиғини эса театрлаштирилган шоу-сайловлар ёрдамида тўлдирадилар. Тизим ва мафкурага эса тил теккизилмайди.

Социалистик тузум ғарб тизимидан фарқли ўлароқ сиёсий "пардаорти"ни тақзо этмасди. Кимларнинг портрети журнallарнинг олд саҳифасида чоп этилса, бошқарув ҳам ўшаларнинг қўлида бўлган. Совет ҳокимияти пирамидасини қандай эканини, парад пайти мавзолей томидаги сафлардан ўрганиш мумкин эди. Постсовет демократияларда ўрнашган "Ҳокимият-халқ" муносабатларининг бунақа соддалиги, тепа алмашувини ташқаридан бошқаришга йўл қўймайди. Ҳукмрон элитани ўзгартириш учун "рангли инқилоб" деган технологияни киритдилар.

Бу инқилблар мафкура ва тизимни ўзгартирмайди, фақат янги элита воситасида ҳокимиятнинг ички режимини ғарб андозаларига ўtkазишга қаратилган холос. Яъни, мамлакатдаги сиёсий жараёнларни ташқи кучлар назорат этишига имкон берувчи механизмни киритишга. Пардаорти манипуляциялар мумкин бўлсин учун, ҳокимият ва ҳалқнинг бир-биридан мумкин қадар узоқлашуви ҳамда элитанинг вақти-вақти билан алмасиб туриши зарур.

Сиёсий фаолиятнинг бошқа тури эса, ўз мазмуни ва ғоясига кўра юқорида зикр этганимиз шакллардан тубдан фарқ қиласди. Сиёсий фаолият, мафкурунинг, ижтимоий-сиёсий тизимнинг ҳамда ҳоким элитанинг бутунлай алмашинувини мақсад қиласди.

Шуни таъкидлаш лозимки, сиёсий фаолиятнинг фақатгина мана шу тури Исломий ташкилот учун мақбулдир. Агар исломий ташкилот жоҳилияят тизими ўйинларига ўралашиб қолгудай бўлса, бу - мафкуруни ва унга асосланган тизимни феълан қабул этиши демақдир. Бу - мағлубият ва ҳалокатга олиб борувчи улкан заполатdir.

Мисол учун ХАМАС; у нафақат демократик сайловларнинг сиёсий чўпчагига алданиб қолган, балки демократик фарзларга амал қилиб, ўз ҳукуматига бир насроний ва бир хотинни (?) ҳам киритган. Умид қилиш қоладики, Европа энди ХАМАСдан ҳукуматига бир яхуд ва бир гомосексуалистни киритишни талаб қилмасайди, (демократик манзара тўлсин учун).

Ажиб бир ҳолат! Турли партия ва ташкилотларнинг тарихини ўрганаркан, беихтиёр нохуш хуносага келасан киши. Бундан чиқди, демак Маркс, Ленин ва Гитлер каби битган кофирлар сиёсий воқеликни исломий ҳаракат раҳбарларидан кўра анча яхшироқ

тушунган эканлар-да! Ленин, масалан, доим социалистик ҳаракатнинг бирор буржуа партиясига айланиб қолмасин дея тақрорларди. Большевиклар мавжуд тузум билан ҳам, бошқа партия ва ҳаракатлар билан ҳам ҳеч қандай муросага йўл қўймасди (муваққат иттифоқ мустасно), акс ҳолда марксизмни "ягона ҳақ таълимот" сифатида тақдим этиб бўлмасди.

"Ягона ҳақ таълимот"ни ҳаётга татбиқ этиш учун Ленин, партия ядроси яхлит ва бутун бўлишига интиларди, ҳар қандай иккиланиб юрганлардан дарҳол қутилишни қатъиян талаб этарди. У доимо: "Бирлашишдан аввал ажрашиш", "Оз бўлса-да, соз бўлсин" дея тақрорларди.

"Ягона ҳақ таълимот" ҳақидаги баёнотларга демократия маддоҳлари ҳам суюнади. Ғарблик бугунги демократик мафия катталари, Исломий ҳокимият эълон қилинган ҳар қандай ҳудудга дарҳол уруш очади. Исломга қарши урушдан сабаб, Ислом - шунчаки бир муқобил Мафкура бўлгани эмас, балки бу Бошқарув Тизими ўлароқ қайта тикланишга интилаётган Мафкура бўлганидир.

Ҳақиқий Шариатнинг бирор маҳаллада татбиқ этилиши, Ғарб даҳрий сатанизмida глобал бўхроннинг ибтидоси бўлади. Ва жаҳон демократик мафияси буни ниҳоятда аниқ билади.

Гитлер, марксизмни ва яхуд-инқилибчиларининг тажрибасини яқиндан ўрганиб чиқиб, улардан жуда кўп жиҳатларини ўзлаштирган, ва миллатчи-социалист ҳаракатни қандай қуриш зарурлигини тушуниб етган. У шундай деб ёзганди:

"Сиёсий партиялар муросага доим мойил бўлади, яхлит дунёқараашлар бўлса - ҳеч қачон. Сиёсий партиялар, ўз ёнида бошқа партиялар ҳам бўлишини тан олади, яхлит дунёқараашлар бўлса, ўзларини ягона ҳақ йўл деб ёзганди".

Уларнинг ҳеч бири сиёсатга сиёсат учун кирмаганлар. Улар бугунги демократик зўравонлар каби фақат ҳокимиятга интилганлар, ўз Тизимини ва ўз Мафкураси ҳукмронлиги ўрнатишга интилганлар.

Мусулмонлардан фарқли ўлароқ, бу коммунистлар, миллатчи-социалист ва бугунги демократик босқинчилар кўпроқ ноқулай ҳолатда эдилар. Биринчидан, "ягона ҳақ таълимот"ни йўқ ердан тўқиб чиқариш керак эди.

Иккинчидан, бу "таълимот" жамиятнинг ўқийдиган ва фалсафа юритадиган қисмини (зиёлилар тоифасини) қониқтириши ва доимо банд этиши лозим эди.

Учинчидан, бу сохта фалсафий чўпчакни қайта ишлаб чиқиб, халққа содда ва тушунарли шаклда етказиш лозим эди.

Тўртинчидан, нафақат етказиш, балки уни омма учун дин даражасига келтириш керак эди.

Мусулмонларда эса бу ноқулайликларнинг биронтаси йўқ, бўлмаган ҳам. Мусулмонлар ҳеч нарса тўқиб чиқишига ҳожат йўқ. Улар ЯГОНА ҲАҚ ТАЪЛИМОТга аллақачон эгадирлар. Бу таълимот мутафаккир олим учун ҳам, оддий кишилар учун ҳам тушунарли ва содда таълимотдир. Ҳамма нарса аллақачон айтилган, ҳамма нарса аллақачон тушунтирилиб берилган. Фақат ўз динини ўрганиш ва яқин ўтмишда ер куррасининг ярмида ҳукмрон бўлган Шариат тизимини тиклаш лозим эди, холос.

## 5. Ҳокимият (Уйланиш мақсадинг бўлмаса, совчиликдан не маъно?)

Сиёсатда марказий ва асосий масала ҳокимият масаласидир. Бу масалани ҳал қилиш мақсад қилиб олинмаса, сиёсатга аралашишнинг маъноси йўқдир. Ҳар қандай партия, ташкилот ёки алоҳида шахслар нима мақсадда сиёсат билан шуғулланади? Мақсад - қарор қабул қилишни маркази бўлишдир. ҲОКИМИЯНИ ҚЎЛГА ОЛИШ УЧУН! Лекин бу холатда бошқа мақсад ва сабабларни кўрсатадиган бўлишса, бу масалани умуман тушинмаслигига ёки энг катта иккюзламачи эканига далолат қиласди.

Тасаввур қилинг, бир йигит бир қизга совчи қўяди ва барча қариндош-уруғларини, танишларини, қавмнинг катталарини бу ишга жалб этади, кейин эса... маълум бўладики, умуман уйланиш нияти ҳам йўқ экан (?) Бундай холатни қандай баҳолаш мумкин? Ҳар нима бўлганда ҳам, бундай холатни бир нормал холат деб баҳолаб бўлмайди.

Бир киши сиёсат билан шуғулланса ва у учун ва унинг гуруҳи учун мақсад ҳокимият эмас экалигини таъкидласа, бундай одам ўз фаолиятини тұхтатиши ва ўзини овора қилмаслиги ва энг асосийси, унга ишонган одамларни умидвор қилмаслиги керак. Бу ерда яна бир асосий савол бор: "Қачон совчи қўйиш керак?". Ҳал қилувчи харакатга қанча тайёргарлик кўриш керак? "Ихвонул-муслимин" вакилларидан: "Нима учун ташкилотнинг тайёргарлик марҳаласи 80 йилга чўзилиб кетди?" деб сўрасангиз, улар сизни "уқувсизлигингиздан" кулган бўлишади. Ва сизни, агар лозим бўлса 80 йил эмас балки, 180 йил ҳам.... тайёргарлик кўриш кераклигига ишонтиришга харакат қиласи. Лекин бунақа жавоб қониқарли эмас.

Қайси оят ва қайси ҳадисда тайёргарлик босқичи бу қадар узоқ давом этиши зикр қилинган? Ўз қавмини 900 йил даъват қилган Нух алайҳис-салом даврида яшамаяпмиз-ку! Замонавий одамзодга қисқа вақт бўлишлик белгиланган. Бизнинг пайғамбар саллалпоҳу алайҳи васаллам 80 йил тайёргарлик кўрмаганлар. У киши Аллоҳнинг йўлидаги бу буюк инқилобга жамоатни 13 йил мобайнида Маккада, 10 йил ҳижратдан кейин Мадинада тайёрлаганлар ва тарбия қилганлар.

Ҳар бир насл имтиҳонланади. Ҳар бир инсон фақат ўзи учун жавобгардир ва ўзи яшаб ўтган муддатда қилган амаллари учун жавоб беради. У ўзидан аввалги ўтган ва кейинги келадиган насллар учун масъул эмас. Буни Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло Қуръони каримда шундай огоҳлантирган.

"Одамлар: "Иймон келтирдик ", дейишлари билангина, имтиҳон қилинмаган холларида, ташлаб қўйилишларини ўйлайдиларми?! Ҳолбуки, Биз улардан аввалги (иймон келтирган барча) кишиларни имтиҳон қилганмиз! Бас (шу имтиҳон воситасида) албатта Аллоҳ рост сўзлаган кишиларни ҳам, ёлғончи кишиларни ҳам аниқ билур." (Анкабут 1-3)

Ҳар бир янги келган мусулмонларнинг насли, 200 йилдан бери Уммат тушиб қолган бу оғир шароитдан чиқишига харакат қилган. Мусулмонлар жамоатлар ташкил қилганлар, Аллоҳнинг йўлида жиҳод қилганлар, Ислом ерларига бостириб кириб, мустамлакага айлантираётган кофирлар билан жанг қилганлар. Ҳар бир насл имтиҳонланган ва ҳар бир наслга Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло Ер юзида Шариатни тиклашга имконият берган.

Бугунги кунда ер юзида мусулмонлар оёққа туришди. Биргина мисол, охирги 15 йил ичида Кавказ мусулмонлари тафаккурларида қанчалик ўзгаришлар бўлди. Ҳарбий кинохроника кадрларини кузатар эканмиз, ҳатто муҳоҳидлар юзидаги ўзгаришларга ҳам гувоҳ бўламиз. Бу бутунлай бошқа шахсиятлардир. Жуда қисқа муддатда, кўз олдимиизда бир насл алмашди. Жиҳодни бошлаб берганлардан жуда озчилик қолди. Уларнинг аксарияти Аллоҳ йўлида жиҳодда шахид бўлишди ёки баъзилари Жиҳоддан қайтиб кетишли.

Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло иймон келтирсанларнинг сифатларини эслатиб айтадики:

"Эй мўминлар сизларнинг ичингиздан кимда-ким динидан қайтса, Аллоҳ бошқа бир қавмни келтирурки, Аллоҳ уларни яхши кўрур, улар Аллоҳни яхши кўрурлар. Улар мўминларга хокисор, кофирларга эса қаттиқўл, бирон маломатгўйнинг маломатидан қўрқмай, Аллоҳ йўлида жиҳод қиладиган кишилардир. Бу Аллоҳнинг фазлу-марҳамати бўлиб, ўзи хоҳлаган кишиларга берур". (Моида 56)

Бугунги муҳоҳидларнинг чеҳраларининг бошқачалиги, шояд уларни "Аллоҳ уларни яхши кўрур, улар Аллоҳни яхши кўрурлар" деган гурухга кирганлардандир? Биз буни билмаймиз, Аллоҳ буни яхши билувчироқ. Лекин биз умид қиламизки, бу янги насл муҳоҳидлари "маломатгўйнинг маломатидан қўрқмай, Аллоҳ йўлида жиҳод қиладиган кишилар" бўлишини умид қиламиз.

Пайғамбар саллалпоҳу алайҳи васаллам сийратларидан бизга маълумки, Ислом бир насл давомида тарқаган. Бу фақулодда ҳолатни фақат бир мўъжиза сифатида изоҳлаш

мумкин. Қисқа тарихий муддат ичида, инсоният яшаётган зулм ва фисқу-фужур зулумати Ислом нури билан ёришди.

Бир қараңда мавжуд бўлган Исломий Ҳокимиятни қайта тиклаш унчалик қийин ишга ўхшамайди, гўё пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам ва ўз Умматига қолдирган Ҳулафои рошидинлар босиб ўтилган йўл қайта босиб ўтилса кифоя қилгудек. Лекин биз мусулмонларнинг янги тарихидан кўриб турибмизки, мусулмонлар ҳеч қандай муваффақиятга эриша олганлари йўқ. Бу муваффақиятсизлик сабабларини умуман ҳамма тушунса керак, у ҳақида кўп гапирилган ва жуда кўп ёзилган.

Асосий сабаб Қуръон ва Суннатдан узоқлашиш, яхлит, пок Исломий таълимотни турли янги кириб келган (бидъат) нарсалар ва Исломга бегона бўлган концепцияларга аралаштириш асосида ётади. Бу мақолада, бизнинг назаримизда Исломий Ташкилот тузиш учун зарур бўлган, мавжуд масалани умумий суратда, асосий нуқталарини эътиборга олган холатда ёритмоқчимиз.

Ташкилотнинг ҳаётини бир алоҳида инсонни ҳаётига солиштириш мумкин. Ташкилот туғилади, улғаяди, балоғатга етади, қариди ва вафот топади. Лекин бу туғилишдан тортиб ўлимгача бўлган муддатда, бу дунёда қандайдир фаолиятлар қилиши керак. Лекин ҳар бир фаолият хоҳ олма дарахти бўлсин, инсон ёки ташкилот ўзидан кейин бир мева қолдириши керак (ўз фаолиятининг натижаси).

Олма ўзидан кейин олмани, инсон энг камида, бир инсонни туғади, катта қилади ва тарбиялаб Яратувчига итоатли бир банда қилади. Аммо Ташкилот-чи? У бу дунёга қандай натижа олиб келиши керак? (Исломий) Ташкилот эса Ер юзида Аллоҳнинг шариатини ўрнатиши керак.

Барча даврларнинг энг яхши жамоати, Асхобларнинг жамоати ҳисобланади. Бу ташкилот шарофати билан, бир насл мобайнида жуда катта минтақада зулм ҳукуматлари нобуд қилиниб, ўрнига Шариат Ҳокимияти ўрнатилган.

Нима учун бизнинг ташкилотлар иши самарасиз? Нима учун ўн йиллар ўтса-да, ўзидан бирор нарса қолдира олмайди? Нимага улар битта жойда фақат депсиниб туради? Сабаблар жуда кўп. Бизнинг назаримизда, энг асосий бўлғанларини санаб ўтмоқчимиз.

Асосий сабаблардан биттаси, бизнинг назаримизда вақтга нисбатан мусулмонлар эҳтиётлик билан мумалада бўлмайдилар. Яратувчи унга берган муҳлатни қўлдан бой берадилар. Исломий ташкилотлар ўз фаолиятлари учун вақт графикларини чизишади, лекин унда ҳар бир марҳалани конкрет чегаралари аниқ қилиб белгиланмаган ва реал ҳаёдан анча узоқлигини кўрамиз.

15 ёшдан кейин йигит уйланиши мумкин, қиз бундан ҳам эрта турмушга чиқиши мумкин. 30 ёш, 35 ёш, 40 ёшда уйланиш ёки турмушга чиқишига кеч бўлмаган бўлиши мумкин. Агар ташкилотни алоҳида одам ҳаётига солиштирадиган бўлсан, 80 ёшли кампирни қиз ҳисоблаб тарғиб қилиб, турмушга чиқишига тайёрлаш ...табиий фитратга умуман тўғри келмайди. Албатта кимдир унга уйланиши мумкин, лекин у авлод берадими ёки йўқми, энди бу катта савол.

Ҳеч шубҳа йўқки, вақтга лойақд бўлиш, ташкилотнинг энг катта хатолариданdir. Фаолиятни узоқ муддатга (ноаниқ) режалаштиришни муҳокама қилиш, умуман реал режа йўқлигига далолат қилади. Узоқ йилларга режаларни қилиш бу келажак насллар учун режа тузиш демакки, шунинг ўзиёқ одамни шубҳага солади. Чунки келажакда келадиган авлодлар қандай синовлар билан имтиҳонланишини билмаймиз бу Аллоҳнинг ўзигагина хос бўлган ҳаққидир. Ва биз ўзимиздан аввал ўтиб кетганлар учун ҳам, бизнинг ўрнимизга келадиган келажак насллар учун ҳам масъул бўлмаймиз. Биз ўзимиз ва ўз қилган амалимиз учун жавоб берамиз.

Кимким вақт қадрига етмас экан, табиий келиб қолган қулай фурсатнинг ҳам қадрига етмайди. Ҳар бир ташкилотни ўзининг омади чопган даври, ҳақиқат лахзаси бўлади. "Мусулмон биродарлар" ташкилоти учун бу лахзалар 1952-53 йиллар бўлган, ва улар бу даврда ҳокимиятни қўлга олишлари мумкин эди. Лекин биз юқорида айтганимиздек, уларнинг режаларида бу бўлмаган. Бу ҳақда "Ихвонул-муслимин" ташкилотининг машхур идеологларидан бири қўйидагиларни ёзади:

“22 июльдан кейин Исломий харакат ҳукуматда иштирок этмасликка ва ҳолис маслаҳатчи мақомида қолишиликка қарор қабул қилди. Ҳаракатнинг биринчи ўринбосари Ҳасан Ал-Худайба бу тўғрисида қўйидагиларни деди: “Биз уларга нисбатан ҳолис маслаҳатчи позициясида турамиз, тўғри харакат қилсалар, уларни қўллаб-қуватлаймиз, хато қилишса тўғрилаймиз.”

Қизиқ, Миср ҳукумати мингларча ихвонларни қамоқхоналарга ташлаганды, Ҳаракат раҳбарларини қатл қилганда, улар хато қилганмиди? Агар шундай бўлган бўлса, Ҳаракат лидерлари ҳукуматни бу хатоларини тўғрилашга йўналтира олишдими?

Ҳаракат ҳокимиятга келишдек кулай фурсатни қўлдан бой бергандан кейин, бошқа нарсаларни ҳам қўлдан бой беради. Лекин агар Ҳаракат ҳокимиятга келишни шарт эмас деб ҳисобласа, бу холатда бу ташкилот ўз-ўзидан ўз маъносини йўқотади. Уларнинг эътиқоди бўйича, ҳокимиятга ҳар қандай манфур сиёсатчини қўйса ҳам бўлаверади, фақатгина номи мусулмон бўлса ва намоз ўқиса бас (баъзида, уни ҳам талаб қилишмаган). Шундай экан, Ҳаракатнинг бошқа хатолари ҳам бевосита аввалги хатоларига боғлангандир.

Мана бундай кўзқарашлар, кўп вақтларда фалокатга олиб келган. Лекин буларнинг барчаси ихвонларга дарс бўлмади. Уларнинг маслаҳати ва ҳаракатлари билан ҳокимиятга навбатдаги мунофиқ келди, ихвонлар эса бу ерда фақатгина “ҳолис маслаҳатчи” бўлишга интилишди холос. Бу мунофиқ ҳокимиятга яхшилаб ўрнашиб олгандан кейин, бу “ҳолис маслаҳатчиларни” қоидага кўра қувиб солди (энг яхши холатда), бу уларга дарс бўлмади. Ҳаммасидан ҳам ёмонроғи, бу маъносиз, натижасиз тактика, дунёнинг турли чеккаларида эндиғина вужудга келган исломий ҳаракатларнинг ёшларига юқтирилди.

Қачонки реал план йўқ экан, Вақт, қулай фурсат ва имконият қадрига етилмаса, ўн йиллар давомида ижобий натижажа йўқлиги хавотирга солмаса, бу нарса Ташкилотни барча ҳаракатлари ўзини ўзи сақлашга қаратилганига далолат қилади. Бу, ўз хато ва камчиликларини бундан кейин яшириши, бошқа стратегия ва коцепияларга ғашлик қилиши, Ислом ёшларини ўз адашувларида олиб юриш демакдир. Вақтики Ҳаракат ўзининг саноқсиз камчилик ва мағлубиятилари билан бирга, ўзини тўғри йўлда деб ҳисоблар экан, беихтиёр Қуръон бизни огоҳлантирган боши берк кўчага кириб қолгандай бўламиш:

“(Аллоҳга) қайтувчи бўлган холларингизда (Унинг динини маҳкам тутинглар) ва У зотдан қўрқинглар ҳамда намозни тўқис адо этинглар! Мушриклардан бўлманглар! Улар (яъни мушриклар) динларини бўлиб , фирмә- фирмә бўлиб олгандирлар. Ҳар бир фирмә ўз олдидаги нарсалар билан хурсанддирлар”. (“Рум сураси 31-31”)

## 6. Озодлик

Ҳар қандай идеология, гарчи ягона тўғри ва ҳақ бўлган идеология бўлса-да, инсоният жамиятида ўз-ўзидан ўрнашиб кетолмайди. Бунинг учун энг камида, шу идеологияни тарғиб этувчилик унга иймон келтирган бўлишлари керак. Агар борини мазкур ҳақ йўлда қурбон қилишга тайёр бўлмаса, ҳатто ўз идеологиясининг (динининг) ҳақлигига бўлган иймони ҳам унга ғалаба келтирмаслиги мумкин. Алоҳида шахсларни Ҳақ йўлда ўзини қурбон қилишга тайёр бўлиши ҳам бу катта неъмат, лекин бу ҳам етарли эмас. Идеологияни ҳаётда ўрнатилиши, татбиқ этиш, фақатгина ўта маҳкам, мустаҳкам ички интизомли ва руҳий жиҳатдан яхши тобланган “танланган гуруҳ” (ташкилот) сайд-ҳаракатлари билангина амалга ошиши мумкин.

Ташкилот мавжуд ижтимоий-сиёсий система ичида, ўзига тарафдорларни жалб қилиши, ўсиши ва мустаҳкамланиши керак. Бу даврда ташкилот, мавжуд ҳокимият тарафидан жуда кўп босим ва қатағонларга учрайди. Ўз сафларидан йўқотишларга дучор бўлиши мумкин. Лекин бу давр Жамоатни мустаҳкам руҳининг тарбия топиши учун ўта зарурдир. Даъватнинг маккий даврида мусулмонлар қанчалик оғир синовларни бошларидан кечиргани барчамизга маълум.

Зулмга асосланган ҳар қандай режим негизида кизбга асосланади ва унга сунади. Кизбга асосланган ҳар нарса эртами-кечми барибир бир куни нобуд бўлади. Баъзида

бунга кўп ҳам куч талаб қилинмайди. Одамлар тўсатдан озодликка рўбару бўлишади. Лекин бу озодлик кўпчилик учун неъмат эмас, балки бир имтиҳонга айланади. Чунки улар зулм остида фаолиятсиз ҳолатда бўлган ва ҳали ўзларини ОЗОДЛИККА ТАЙЁРЛАМАГАН БЎЛИШАДИ.

Бану Исройлни, узоқ вақт Мисрда қуллик ва хорликда бўлғанларидан кейин, тўсатдан Озодлик насиб этганида тушган ҳолатлари Қуръони каримда батафсил баён қилинган. Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло уларни Фиравн зулмидан кутқариш, учун уларга Мусо алайҳис-саломни юборди. Улар жуда кўп мўъжизаларга, жумладан, дengиз ёрилиб, ҳеч қандай қийинчиликсиз ичидан ўтганлари, ва Фиравн ҳамда унинг қўшиллари ғарқ бўлиб, ўзлари нажот топишлари мўъжизларига ҳам гувоҳ бўлган эдилар. Лекин Бану Исройл ўзини бундай ҳолатда қандай тутди? Улар тўхтовсиз Мусо алайҳис-саломга тўхтовсиз норозичилик билдиради, Егуликларидан, улар учун осмондан тушаётган манна ва салводан норози бўлишди. Улар Аллоҳни кўра олмаганидан, Ундан ҳам норози бўлишди ва ўзларига сифиниш учун олтиндан бир бузоқни ҳам ясад олишди.

**“Эй бану Исройл эсланг: “Эй Мусо, Аллоҳни очиқ-равшан кўрмагунимизча, ҳаргиз сенга ишонмаймиз”, дейишингиз билан сизларни чақмоқ урди. Сўнgra шукр қилишингиз учун ўлганингиздан кейин тирилтирилди.”** (Бақара: 55-56)

Қачонки, Мусо алайҳис-салом уларни ваъда қилинган ерга олиб келиб, уларни у ерга киришга амр этганда, улар у ерга киришдан кескин бош торди.

**“Эсланг, Мусо қавмига :”Эй қавмим! Аллоҳнинг сизларга берган неъматини – орангиздан пайғамбарлар чиқарганини, яна сизларни мулку-давлат эгалари қилиб, барча оламлардан бирон кишига бермаган инъомларни сизларга ато этганини ёдга олингиз”.**

**“Эй қавмим, Аллоҳ сизлар учун китобат этган бу муқаддас ерга (шаҳарга ) дохил бўлингиз! Ортларингизга қайтиб кетмангиз, акс ҳолда зиён кўргувчилардан бўлурсиз!”** деганида, улар: ” Эй Мусо, у ерда зўровон одамлар бор. То улар чиқмагунича, биз у ерга зинҳор кирмаймиз. Агар, улар чиқиб кетсаларгина биз дохил бўлурмиз “, дедилар”.

**“Аллоҳдан қўрқадиган, унинг неъматига мұяссар бўлган икки киши: “Уларнинг устига дарвозадан тўсатдан кирингиз, ундан кириб олишингиз биланоқ шубҳасиз ғолиб бўлурсиз. Агар мўмин бўлсангизлар, ёлғиз Аллоҳгагина суюнинглар!”, дедилар”.**

**“(Улар) айтишди: ”Эй Мусо, модомики улар шу жойда экан, биз ҳеч қачон кира олмагаймиз. Бас, ўзинг бор ва Парвардигоринг иккингиз уларга қарши урушаверинглар. Биз эса мана шу ерда ўтириб кутамиз”** (Моида: 21-26)

Қуллиқда ўсган ва шаклланган одамларнинг ҳатти-ҳаракатлари мана шундай нафраторумуз бўлди. Бани Исройл Аллоҳнинг буйруқларини эътиборсиз қолдириб, ўзларидаги руҳий заифликни, руҳий хорликни ва ношукурликни намоён этишди. Улар шаҳарга шундок кириб қўйсалар кифоя эди. Галаба қозонишлари учун шунинг ўзи етарли эди. Лекин улар мустаҳкам имонга эга эмас ва қўрқоқ эдилар. Агар ўз иймонларида мустаҳкам бўлганларида, ва Одам фарзандларидан кимники Аллоҳ қўллаб-қувватлаганларгина куч-кувватга эга эканлигини билганларида эди. Ҳолбуки ҲЕЧ ҚАНДАЙ КУЧ-ҚУДРАТ ЙЎҚ, МАГАРАМ АЛЛОҲГА ТЕГИШЛИ.

**“Мусо айтди: ”Парвардигорим, мен фақат ўзимга ва биродаримга (Ҳорунга) эгаман холос. Бас, Ўзинг биз билан бу итоатсиз қавмнинг орасини ажратгин”.**

**“Аллоҳ деди: ”Энди қирқ йил мобайнида бу ер улар учун ҳаромдир. Улар ерда (саҳроларда) адашиб-улоқиб юрурлар. Сен бу итоатсиз қавм (қилмиши)дан маҳзун бўлмагин”.** (Моида: 25-26).

Қулнинг қалбини ҳеч қандай ташқи озодлик қониқтиришга қодир эмас. Бу қуллар, бу озодлик қадрига етмайди. Бу озодлик билан нима қилишни ҳам билмайди, балки бу озодлик уларнинг бўйнидаги оғир юкка айланади.

Бу самарасиз насл ўлиб кетди, ўлиб кетгунicha қирқ йил саҳроларда сарсону-сағардан юришди ва бу даврда саҳронинг қаттиқ шароитида, пайғамбар тарбияси ва

йўлланмаси остида янги авлод вужудга келди. Мана ўшалар ваъда қилинган ерни мушриклардан озод қилишди ва у ерда тавҳидга асосланга ҳукуматни барпо қилишди.

## 7. Мусулмонларни 1917 йилги инқилоб ва ундан олдинги даврдаги саргузаштлари

Ином Шомил мағлубиятидан кейин, Кавказ Россия истибоди қўлига ўтди. Ярим аср мустамлака ўлароқ яшаган бу мусулмонлар, тўсатдан озодликка чиқиши. Албатта биз бевосита пайғамбар Мусо алайхис-салом ва қавми билан золим диктатор режимлар остида яшаган замонавий мусулмонларни қиёсламоқчи эмасмиз. Чунки бугунги ва ўша даврдаги кўпчилик мусулмонлар ўз иймонлари йўлида жиҳодга чиқишган. Лекин шу билан бирга, уларни узоқ вақт зулм режимлари остида ҳаёт кечиришлари изсиз қолмаган эди.

Биринчи ўринда уларнинг иймонларидан бурилишлар содир бўлди. 1917 йил Чор тузумининг қулаши натижасида, бутун империя бўйлаб инқилобий исёнлар ва тартибсизликлар бошланиб кетди. Мусулмонлар учун ўз ерларида Шариат ҳокимиятини ўрнатишининг реал имконияти вужудга келди. У даврда кечаётган тарихий жараёнлар бир хил кўринишда эмас эди. Лекин 20 аср бошларида рўй берган бу воқеалардан, 20 аср охирларида рўй берган Исломий уйғонишлар етарлича ўзларига дарс олишса бўларди.

Аввало, инқилобий холатларда вужудга келадиган характерли сиёсий шароитларни кўриб чиқайлик:

Ҳар қандай инқилобий холатларда, у учун хос ва характерли ва унинг ажралмас қисми бўлган нарса бу – МИТИНГдир. Митинг аввалида ўз-ўзидан ташкил топувчи ва истикрорли жамиятларда рўй берадиган, мавжуд ҳукуматнинг инқилобига ўхшаш кўринишда бошланади. Митинг умумий тартибсизликка акс ўлароқ исёнлар кечадиган даврида жамиятни ўзига тортувчи, жозибадор феномендир.

Одамлар унга қанақа номларни ўйлаб топишмасин: йиғилиш, съезд, қурултой, мажлис ва б., буларнинг барчаси МИТИНГ деганимизнинг турли кўринишлари холос. (Бу турга топ доирадаги одамларнинг йиғилишлари кирмайди).

### Инқилобий ҳокимиятсизлик даврида одамларда икки хиссиёт ҳукмон бўлади:

Биринчиси, руҳий кўтаринкилик хисси ва келажакка умид; иккинчиси, хавотир ва ноаниқлик хисси.

Ҳар икки холатда ҳам одамлар митингга жамланишади. Митинг одамларни магнитдек ўзига тортади. Митингда раҳбарият сайланади, лидерлар танланади. Айнан шу митинглар уларни ҳокимият ва намоёндаликка эга қиласади.

Митинг даврида одамлар ўз қизиқиш ва эҳтиёжларига, дунёқараашларига кўра гурухларга бирикишга эҳтиёж сезади. Бу даврларда вужудга келган ташкилотлар узоқча бормайди. Янги партия ва ҳаракатлар бу даврда пайдо бўлади, ва кўз олдингизда, тез орадаёқ йўқликка юз тутади.

Ташкилотнинг жудаям тўғри ёзилган идеологияси ва дунёқараashi бўлиши мумкин, лекин митинг ҳукмонлик қилаётган даврда бу етарли бўлмайди. Бу вақтда жамият, ҳаддан зиёд сиёсийлашган бўлади ва одамлар кўпроқ тўхтовсиз мақталаётган нарсага алданиб кетади.

Бу даврда сиёсий вазн ва кейинчалик ҳокимиятни, мавжуд ҳукуматни йиқилишидан анча аввал бу вақтга ўзини тайёрлаган ташкилот қўлга киритади. Албатта агар улар керакли тайёргарлик кўрган, тажрибалар ортирган, мақсад ва программаларга эга бўлиб, сиёсий фантазияни воқеалиқдан ажратса олишни ўрганишган бўлса.

Бу даврда (яъни 1917 йил - тарж.) факат битта партия бундай хусусиятга эга эди, бу – большевиклар партияси эди. Бу партия ҳокимиятга тасодифан эмас, балки режали равишда келган эди. Улар тўсатдан келган озодликдан (ҳокимиятсизлик даври) фойдалана олишди, чунки ҳали инқилоб келмасдан бу даврга тайёргарлик кўра олган ягона партия - мана шу партия эди.

